

Тоиф ғазоти жангида илк бор палахмон қуролидан фойдаланилди



11:25 / 04.06.2022 2456

Ҳижрий саккизинчи йилнинг шаввол ойида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоиф ғазотини бошладилар. Тоифликлар шаҳар ичига бир йилга етадиган нарсаларни тўплаб олиб, дарвозаларни маҳкам беркитиб, урушга тайёргарлик кўриб олишган эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳарга яқин жойга келиб тушдилар. Муслмонлар шаҳарга кира олмадилар. Улар шаҳар қалъасига яқинлашишлари билан тоифликлар девор ортидан туриб, уларга ўқ ёғдира бошлашди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкаргоҳни бошқа жойга кўчирдилар ва шаҳарни қамал қилиш бошланди. Қамал йигирма кундан зиёд давом этди. Қаттиқ жанглар бўлди. Икки томон бир-бирларини камондан ўққа тутди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу урушда биринчи марта манжаниқ (палахмон, катапульта) ишлатдилар. Қамал кучайиб борарди. Бир неча муслмон камон ўқидан шаҳид ҳам бўлдилар.

Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Тоифни фатҳ қилишга изн бермади. У зот Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга одамларга

ортга қайтиш ҳақида хабар беришни буюрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зулқаъда ойида Тоифдан қайтиб, Жиъронадаги ўлжалар тақсимотидан фориғ бўлганларидан сўнг у ердан умрага ният қилиб Маккага қайтдилар ва умрани адо қилгач, Мадинага жўнадилар.

«Ислом тарихи» китоби асосида тайёрланди